Диэлектрик электр майдонга киритилганда.молекула ичидаги мусбат зарядлар электр майдон йўналиши бўйлаб манфий зарядлар бунга тескари йўналишда кўчади.

Диэлектрикнинг боғланган мусбат ва манфий зарядларининг қарама-қарши кўчиши **қутбланиш** дейилади.

Диэлектрикнинг қутбланиши шунга олиб келадикки, диэлектрик ичидаги электр майдон ташқи майдонга қарама-қарши йўналган бўлади ва унинг **ичида майдон заифлашади.**

Электр майдонда қутбсиз диэлектрик ҳам қутбланади. Қутбсиз диэлектрик молекулалари атроф фазода ўзини электр майдонини хосил қилмайди

МАГНИТ МАЙДОН

Зарядланган зарралар ўзгармас тезлик билан ҳаракатланганда уларнинг атрофида, ёки токли ўтказгич атрофида магнит майдон хосил бўлади

Паралел тоқларнинг ўзаро таъсири

***Агар тоқлар **бир хил** йўналган бўлса ўтказгичлар **тортишади.**

***Агар тоқлар **қарама-қарши** йўналган бўлган бўлса ўтказгичлар **итаришади.**

Паралел токли ўтказгичлар орасида ўзаро таъсирлашиш кучи. $F = \frac{\mu\mu_0 I_1 I_2 \ell}{2\pi d}$

Бу ерда μ - мухитнинг магнит сингдрукчанлиги $\mu_0 = 4\pi \cdot 10^{-7} \frac{N}{A^2}$ -магнит доимийси
 d - ўтказгичлар орасидаги масофа, ℓ - ўтказгич узунлиги

Магнит индукцияси $B = \frac{M_{\max}}{SI} = \frac{F}{I\ell} = \mu\mu_0 H$

M_{\max} - айлантирувчи куч моменти, S - рамка юзаси,

1. Тўғри токнинг магнит майдони. Агар парма учининг илгариланма ҳаракати ток кучи йўналишида бўлса парма дастасининг айланиш йўналишида ўтказилган уринма индукция йўналишини кўрсатади.

$B = \frac{\mu\mu_0 I}{2\pi d}$ - магнит индукцияси $H = \frac{I}{2\pi d}$ - магнит майдон кучланганлиги

d - ўтказгичдан магнит индукцияси аниқланадиган нуктагача бўлган масофа

2. Айланма токнинг магнит майдони; парма дастаси айланиш йўналишини ток йўналишида айлантисак парма учини илгариланма ҳаракати йўналиши магнит индукцияси йўналишини кўрсатади(б-расм)

$B = \frac{\mu\mu_0 I}{2R}$ - магнит индукцияси $H = \frac{I}{2R}$ - магнит майдон кучланганлиги

бу ерда R - айланма ўтказгичнинг радиуси

3. Соленоид(галтак) ичидаги магнит майдон.

$B = \mu\mu_0 I \cdot \frac{N}{\ell}$ - магнит майдон индукцияси $H = \frac{I \cdot N}{\ell}$ - магнит майдон кучланганлиги

бу ерда N - ўрамлар сони. ℓ - галтак узунлиги.


⊗ Бунда магнит индукцияси вектори биздан кетяпти

⊙ Бунда магнит индукция вектори биз томонга йўналган

Супер позиция принципи. Бир нечта токли ўтказгичлар системасининг натижавий магнит индукцияси шу нуқтада хар бир токли ўтказгичнинг хосил қилган магнит индукциясининг геометрик йиғиндисидан иборат.

$$\vec{B}_n = \vec{B}_1 + \vec{B}_2 + \vec{B}_3 + \dots$$

***Иккита параллел токнинг А нуқтада хосил қилган натижавий магнит индукцияси йўналиши аниқлаш учун нуқтага теккизиб алана чизилади ва нуқтага уринмалар утказилиб натижавий вектор йўналиши топилади.



Ампер кучи

Магнит майдонда токли ўтказгичга таъсир қиливчи кучга Ампер кучи дейилади.

$$F_A = IB\ell \sin \alpha$$

бу ерда α - B ва ℓ орасидаги бурчак., ℓ - ўтказгич узунлиги

***Агар $\alpha = 90^\circ$ бўлса $F_A = IB\ell$ бўлади

Ампер кучининг йўналиши чап қўл қондасидан топилади

Магнит индукциясини чап қўлимиз кафтига тик кирадиган қилиб, 4 бармоғимизни ток йўналишида жойлаштирсак, 90° керилган бош бармоғимиз Ампер кучи йўналишини кўрсатади.

Ампер кучининг бажарган иши. $A = IB\ell d$ d - ўтказгич кучирилган масофа

Лоренц кучи

Магнит майдонда харакатланаётган зарядли заррачага таъсир қилувчи кучга Лоренц кучи дейилади.

$$F_L = qBv \sin \alpha$$

***Агар $\alpha = 90^\circ$ бўлса $F_L = qBv$ бўлади. $F_L = qB\sqrt{\frac{2E_k}{m}}$

α - B ва v орасидаги бурчак. E_k - кинетик энергия

Лоренц кучи йўналиши чап қўл қондасидан аниқланади.

Магнит индукция векторини кафтимизга тик кирадиган қилиб, 4 бармоғимизни тезлик йўналишида жойлаштирсак 90° га керилган бош бармоғимиз Лоренц кучи йўналишини кўрсатади

***Агар магнит майдонга манфий заррача кирса Лоренц кучи унг қулдан топилади.

*** Лоренц кучи фақат тезлик йўналишини ўзгартиради.


*** Лоренц кучи зарядли заррача тезлиги модулини ўзгартирмайди.

*** Лоренц кучи заррача кинетик энергиясини ўзгартирмайди.

*** Лоренц кучи иш бажармайди(Лоренц кучини бажарган иш нолга тенг бўлади).

***Лоренц кучи зарядланиб харакатланмай турган заррчага таъсир қилмайди.

Бир жинсли магнит майдонга кирган зарядли заррача айлана бўйлаб текис харакат қилади.



Зарранинг айланиш даври $T = \frac{2\pi m}{qB}$

Зарчанинг айланиш Даври тезликк боғлиқ эмас

Заррача чизган айлананинг радиуси

$$R = \frac{m v}{qB} \quad R = \frac{1}{qB} \sqrt{2E_k m} \quad R = \frac{1}{B} \sqrt{\frac{2 \cdot U \cdot m}{q}}$$

U – кучланиш ёки потенциаллар фарки

*** Бир жинсли магнит майдонга бучак остида учиб кирган заррача **винтсимон** чизик буйлаб харакатланади.

Доимий магнитлар. Ўзини магнит хоссасини узоқ вақт сақлайдиган моддалар **доимий магнитлар** дейилади. кўк - ширмол, қизил- жануб

S - **Жанубий қутб**, N - **Шимолий қутб**

***доимий магнитнинг магнит индукцияси йўналиши шимолий қутбдан чиқиб жанубий қутбга киради

Доимий магнитни иккига ажратсак яна Шимолий ва Жанубий қутблари хосил бўлади.



*** Тролейбус линияларидаги ўтказгичлар итаришади.

***Ернинг шимолий қутбидаги магнит стрелкасининг иккита учи ҳам жанубни кўрсатади.

***Ернинг магнит қутблари б-н географик қутблари устма-уст тушмайди.

***Ернинг магнит қутблари магнит стрелкаси вертикал холатда булади. Шимолий қутбда магнит стрелкасининг учи юкорига, жанубий қутбда эса пастга қарган булади.

***Ернинг магнит экваторида магнит стрелкаси горизонтал холатда булади.

Модданинг магнит ҳоссалари

Моддаларни ташкил қилган атомлар элементар тоқлар ҳосил қилади,бу ток Ампер токи дейилади. Демак, ҳар бир атомнинг (молекуланинг) ўзининг ҳусусий магнит майдони мавжуд.

$\mu < 1$ - **Диамагнетик**, (мис)

$\mu > 1$ - **Парамагнетик**, (алюминий)

$\mu \gg 1$ - **Ферромагнитиклар** (темир, никел)

***Модда қиздирилганда унинг ферромагнитик ҳоссалари йўқоладиган температура **Кюри** температураси дейилади. темир учун $t=753^\circ\text{C}$, никел $t=365^\circ\text{C}$

***Магнит майдонидан чиқарилганда магнитланганлигини йўқотадиган ферромагнит материаллар **юмшоқ** ферромагнетиклар дейилади.

***Магнит майдондан чиқарилгандан сўнг ўзининг магнитланганлигини саклайдиган моддалар **қаттиқ ферромагнитлар** дейилади.

Магнит майдон кучланганлиги. $H = \frac{B}{\mu\mu_0}$ **бирлиги** $\frac{A}{m}$

Магнит оқими $\Phi = BS \cos \alpha$ Магнит оқимининг бирлиги вебер (Vb)

Агар магнит индукцияси сиртга тик булса $\Phi = BS$

Агар магнит индукцияси сиртга параллел булса $\Phi = 0$

урмалар сони N та булса $\Phi = NBS$ $\Phi = LI$

Электромагнит индукция

Ўзгарувчан магнит майдонда тинч турган ёки ўзгармас магнит майдонида ҳаракат ланаётган контурда электр токи пайдо бўлишига **электромагнит индукция** ҳодисаси дейилади. Контурда ҳосил бўлган токга **индукцион ток** дейилади

Ленц қондаси. Индукцион ток шундай йўналадики, бунда унинг магнит майдони контурда ўтувчи магнит оқимининг ўзгаришига қаршилик қилади. Агар магнит оқим ортаётган бўлса уни камайтиришга. Агар магнит оқим камаётган бўлса уни орттиришга ҳаракат қилади.

Электромагнит индукция қонуни. $\xi = -\frac{\Delta\Phi}{\Delta t}$

Агар ўрамлар сони N та бўлса, $\xi = N \frac{\Delta\Phi}{\Delta t}$

бу ерда $\frac{\Delta\Phi}{\Delta t}$ — магнит оқимининг ўзгариш тезлиги, бирлиги Vb/s .

$\Phi = \Phi_m \cos \omega t$ - магнит оқимининг ўзгариши. Φ дан вақт бўйича олинган хосила

$\xi = \Phi_m \omega \sin \omega t$ га тенг, бундан $\xi = \xi_{\max} \sin \omega t$, Демак $\xi_{\max} = BS\omega$

Ток кучи $I = \frac{\Phi}{Rt} = \frac{\Phi_m \omega}{R}$ Заряд $q = \frac{\Phi}{R}$

контурни айлантириш учун бажарилган иш $A = I(\Phi_2 - \Phi_1) = I\Delta\Phi = IB\Delta l$

Магнит майдондаги ҳаракатланаётган ўтказгичдаги индукция Э.Ю.К

$$\xi = Bv\ell \sin \alpha$$

Агар $\alpha = 90^\circ$ булса $\xi = Bv\ell$

ўтказдаги индукцион ток $I = \frac{Bv\ell}{R}$ ток зичлиги $j = \frac{Bv}{\rho}$ ρ - солиштирма қаршилик

***Магнит майдондаги ҳаракатланаётган ўтказгичдаги индукцион токнинг йўналишини- ўнг қўл қондасидан топилади. ўнг қўл **кафтига магнит индукцияси тик кирадиган қилиб, бош бормоқ магнит оқими йўналишида жойлаштиради, тўрт бармоқ ток йўналишини кўрсатади.**

***доимий магнит металл халка ичига **шимолий** кутби билан киритилаётган булса **халка кочади, ток йўналиши соат йўналишига қарши булади.**

***доимий магнит металл халка ичига **жанубий** кутби билан киритилаётган булса **халка кочади, ток йўналиши соат йўналиши буйлаб булади.**

***доимий магнит металл халка ичидан **шимолий** кутби билан чиқарилаётган булса **халка тортилади, ток йўналиши соат йўналиши буйлаб булади.**

***доимий магнит металл халка ичидан **жанубий** кутби билан чиқарилаётган булса **халка тортилади, ток йўналиши соат йўналишига қарши булади.**

Занжирдаги токнинг ўзгариши туфайли унда индукцион ток пайдо бўлишига ўзиндукция ходисаси дейилади.

Ўзиндукция Э.Ю.К. $\xi = -L \frac{\Delta I}{\Delta t}$, L - Индуктивлик

бу ерда $\frac{\Delta I}{\Delta t}$ - токнинг ўзгариш тезлиги, бирлиги A/s

токнинг узгариш конуни $I = I_m \sin \omega t$, $\xi_m = LI_m \omega$

Ғалтакнинг индуктивлиги $L = \mu \mu_0 S \frac{N^2}{\ell}$ индуктивлик бирлиги Генри (H)

ℓ - ғалтакнинг узунлиги, S - кесим юзаси,

Ўтказгичларнинг индуктивлиги уламинг шаклига. узунлигига ва ўтказгич атропофидаги мухитнинг хоссаларига боғлиқ.


индуктив ғалтакни параллел улаш $L_{um} = \frac{L_1 \cdot L_2}{L_1 + L_2}$

индуктив ғалтакни кетма – кет улаш $L_{um} = L_1 + L_2$

Магнит майдон энергияси $W = \frac{LI^2}{2} = \frac{\Phi I}{2} = \frac{\Phi^2}{2L}$

Ғалтакнинг магнит майдон энергия зичлиги $w = \frac{\mu \mu_0 H^2}{2} = \frac{BH}{2}$

Трансформатор - ўзгарувчан токни деярли энергия йўқотмасдан кучланишини ва ток кучини бир неча марта ўзгартирадиган қурилмадир. Трансформаторнинг ўзгарувчан ток манбаига уланган чўлғами бирламчи чўлғам, истемолчига уланган чўлғами иккиламчи чўлғам дейилади. Трансформаторнинг ишлаш принципи электромагнит индукция ходисасига асосланган. Трансформатор узгармас ток манбаига улаш мумкин эмас, қуяди.



Трансформациялаш коэффициентлари

$$K = \frac{U_1}{U_2} = \frac{N_1}{N_2} = \frac{I_2}{I_1} = \frac{\xi_1}{\xi_2}$$

***Агар $K < 1$ бўлса трансформатор кучайтирувчи.

***Агар $K > 1$ бўлса трансформатор пасайтирувчи.

Трансформаторнинг Ф.И.К. $\eta = \frac{P_2}{P_1} = \frac{I_2 U_2}{I_1 U_1}$

*** Иккиламчи чўлғамдаги кучланишнинг пасайиши $U_2 = \xi_2 - I_2 R_2$

***Бирламчи чўлғамдаги кучланишнинг пасайиши $U_1 = \xi_1 - I_1 R_1$

МЕХАНИК ТЕБРАНИШЛАР

Деярли даврий равишда такрорланадиган ҳаракатга **тебранишлар** дейилади.

Жисм мувозанат ҳолатидан чиқарилгандан кейин ички кучлар таъсирида юзага келадиган тебранишлар **эркин тебранишлар** дейилади


Гармоник тебранишлар деб, - синус ёки косинус қонунига бўй сунадиган тебранишларга айтилади.

***Гармоник тебранма ҳаракат қилаётган моддий нуктанинг **амплитуда, давр,**

частота, циклик частотаси ўзгармайди. Лекин фаза, тезлик, тезланиш ўзгаради.

Гормоик табраниш харакат тенгламаси $x = A \sin(\omega t + \varphi_0)$

бу ерда A - тебраниш амплитудаси, x - силжиш, φ_0 - бошланғич фаза, $\omega t + \varphi_0$ - фаза агар $\varphi_0 = 0$ булса $x = A \sin \omega t$



Мисол: Моддий нукта мувозанат вазиятидан бошлаб даврнинг кандай кисмида ярим амплитуда масофага силжийди.

Echish:

agar moddiy nuqta muvozanat vaziyatidan harakat boshlasa sinus qonuniyatiga bo'y sunadi shuning u - n

$x = A \sin \omega t$ bu erda $x = \frac{A}{2}$ bo'lgani uchun $\frac{A}{2} = A \sin \omega t$ bu A larni kiskartiramiz

$$\frac{1}{2} = \sin \omega t \text{ bunda } \sin \frac{\pi}{6} \text{ radianda } \frac{1}{2} \text{ teng bo'lgani u - n, } \frac{\pi}{6} = \omega t \Rightarrow \frac{\pi}{6} = \frac{2\pi}{T} t \Rightarrow t = \frac{T}{12}$$

*** x дан вақт бўйича олинган биринчи тартибли хосиласи тезликни беради

$v = \dot{x} = A\omega \cos \omega t$ бу ерда $v_m = A\omega$ - тезлик амплитудаси (ёки максимал тезлик)


*** x дан вақт бўйича олинган иккинчи ёки тезликдан вақт бўйича биринчи тартибли хосиласи тезланишни беради

$a = \dot{v} = \dot{x}'' = -A\omega^2 \sin \omega t$ бу ерда $a_m = A\omega^2$ - тезланиш амплитудаси (максимал тезланиш) $a = a(x) \rightarrow a = -\omega^2 x$

Даврий ўзгарувчи ташқи кучлар таъсирида юзага келадиган тебранишлар **мажбурий тебранишлар** дейилади.

$F_x = -m\omega^2 x$ $F_m = mA\omega^2$ --- кучнинг амплитудаси (максимал куч). Мажбурий тебраниш амплитудаси частота ортиши билан олдин ортади кейин камаяди.

Тебраниш амплитудаси деб, жисм мувознат ҳолатидан энг четки вазиятигача (энг катта силжиши) бўлган масофага айтилади



$$A = \alpha \cdot \frac{\pi}{180^\circ} \cdot \ell$$

Математик маятник бир даврда (бир марта тула тебранганда) $4A$ масофани босиб утади.
 $S = N \cdot 4A$ N - тебранишлар сони

Тебраниш даври деб, бир марта тўлиқ тебраниш учун кетган вақтга айтилади $T = \frac{t}{N}$

Тебраниш частотаси деб, бир секунддаги тебранишлар сонига айтилади $\nu = \frac{N}{t}$
 2π секунд ичидаги тебранишлар сонига **циклик частота** дейилади.

$$\omega = 2\pi\nu \quad \text{ёки} \quad \omega = \frac{2\pi}{T}$$

Оғирлик марказидан утмайдиган УК атрофида айлана оладиган ҳар қандай жисм **маятник дейилади.**

Пружинали маятник

$$1. \text{Тебраниш даври} \quad T = 2\pi\sqrt{\frac{m}{k}} \quad T = 2\pi\sqrt{\frac{x}{g}}, \quad T = 2\pi\sqrt{\frac{m\ell}{SE}}$$

ℓ - пружина узунлиги, S - юза, E – эластиклик модули

$$2. \text{Тебраниш частотаси} \quad \nu = \frac{1}{2\pi}\sqrt{\frac{k}{m}} \quad 3. \text{Циклик частотаси} \quad \omega = \sqrt{\frac{k}{m}}$$

Пружанали маятникнинг тебраниш даври маятник ҳаракат тезланишига боғлиқ эмас.

Математик маятник

Математик маятник деб, вазнсиз чўзилмайдиган ипга осилган моддий нуқтага айтилади. Математик маятник тебраниши **оғирлик кучи** таъсири натижасида юзага келади.

$$1. \text{Тебраниш даври} \quad T = 2\pi\sqrt{\frac{\ell}{g}} \quad 2. \text{Тебраниш частотаси} \quad \nu = \frac{1}{2\pi}\sqrt{\frac{g}{\ell}}$$

$$3. \text{Циклик частотаси} \quad \omega = \sqrt{\frac{g}{\ell}}$$

*** Агар Лифтга маятник осиб лифт тезланиш билан вертикал юқорига ҳаракатланаётган бўлса

$$T = 2\pi\sqrt{\frac{\ell}{g+a}}$$

*** Агар Лифтга маятник осиб лифт тезланиш билан вертикал пастга ҳаракатланаётган бўлса

$$T = 2\pi\sqrt{\frac{\ell}{g-a}}$$

*** Агар Вагонга маятник осиб вагон тезланиш горизонтал ҳаракатланаётган бўлса

$$T = 2\pi\sqrt{\frac{\ell}{\sqrt{g^2+a^2}}}$$

5. Узунлиги ℓ_1 бўлган маятникнинг даври T_1 ва узунлиги ℓ_2 бўлган маятникнинг даври T_2 бўлса:

$$*** \ell = \ell_1 + \ell_2 \text{ узунликдаги маятникнинг даври} \quad T = \sqrt{T_1^2 + T_2^2}$$

$$*** \ell = \ell_1 - \ell_2 \text{ узунликдаги маятникнинг даври} \quad T = \sqrt{T_1^2 - T_2^2}$$

$$*** \frac{\ell_2}{\ell_1} = \frac{N_1^2}{N_2^2} \text{ бу ерда } N_1, N_2 \text{ - тебранишлар сони.}$$

Гармоник тебранаётган системанинг тўла энергияси ўзгармайди.

$$E_t = E_k + E_p = const$$

$$\text{Гармоник тебранма ҳаракатнинг кинетик энергияси} \quad E_k = \frac{mA^2\omega^2}{2} \cos^2 \omega t$$

Гармоник тебранма харакатнинг потенциал энергияси $E_p = \frac{mA^2\omega^2}{2} \sin^2 \omega t$


Гармоник тебранма харакатнинг тўла энергияси $E_t = \frac{m\omega^2 A^2}{2} = \frac{kA^2}{2}$

Резонанс деб, системанинг мажбурий тебранишлар частотаси хусусий тебранишлар частотасига яқинлашганда тебранишлар амплитудасининг кескин ортиб кетишига айтилади

Автотебраниш деб, системада ташқи даврий куч тасирисиз системанинг ички энергияси ҳисобига юзага келадиган тебранишларга айтилади.

Электр тебраниш деб, электр тебранишлар ток кучи, заряди, кучланиши деярли даврий ўзгарадиган харакатга айтилади

Тебраниш контури деб, конденсатор ва унинг қопламаларига уланган ғалтакдан иборат системага айтилади. Тебраниш контури эркин электр тебранишларини юзага келади



Томсон формуласи $T = 2\pi\sqrt{LC}$ $L = \mu\mu_0 \frac{N^2}{\ell} S$ $C = \frac{\epsilon\epsilon_0 S}{d}$

Тебраниш частотаси $\nu = \frac{1}{2\pi\sqrt{LC}}$ Циклик частота $\omega = \frac{1}{\sqrt{LC}}$

Тебраниш контури созланган тулкин узунлик

$\lambda = 2\pi c \sqrt{LC}$ yoki $\lambda = \frac{2\pi c}{\omega}$ бу ерда $c = 3 \cdot 10^8$ m/s

***Тебраниш контурида каонденсатор заряди тебранади. Конденсаторнинг электр майдон энергияси ғалтакда магнит майдон энергиясига айланади.

Конденсатор электр майдон энергияси $W_C = \frac{q_m^2 \cos^2 \omega t}{2C}$ ёки $W_C = W_{\max} \cos^2 \omega t$

Ғалтакнинг магнит майдон энергияси $W_L = \frac{I_m^2 \sin^2 \omega t}{2L}$ ёки $W_L = W_{\max} \sin^2 \omega t$

заряднинг тебранишлар тенгламаси $q = q_m \sin(\omega t + \varphi_0)$

Заряддан вақт бўйича олинган биринчи тартибли хосила **ток кучини** беради

$I = I_m \cos \omega t$ бу ерда $I_m = q_m \omega$ - ток кучи амплитудаси (максимал ток кучи)

***Ток кучи тебранишлари заряд тебранишларидан $\frac{\pi}{2}$ қадар олдинга силжиган бўлади.

Ўзгарувчан электр токи

Ўзгарувчан электр токи деб, вақт ўтиши билан сон киймати ва йўналиши даврий равишда ўзгарадиган электр токига айтилади. Ўзгарувчан электр токини индукцион ток генераторлари ҳосил қилинади. Индукцион ток генераторининг ишлаш принципи электромагнит индукция қонунига асосланган. Индукцион генераторнинг ички қаршилиги жуда кичик булади.

Механик энергияни электр энергиясига айлантирувчи қурилмага **генератор** дейилади.

ГЭСларда ҳосил булган ўзгарувчан токнинг частотаси

$\nu = \nu' \cdot n$ ν – ток частотаси, ν' – роторнинг айланиш частотаси, n – жуфт кутблар сони.

***Электр энергиясини узок масофаларга узатишда энергия исрофини камайтириш учун кучланиши ошириб, ток кучи камайтириш керак.

***Узатиш линияларида кучланиш n - марта камайса энергия исрофи n^2 - марта ортади.

***Узатиш линияларида кучланиш n - марта ошса энергия исрофи n^2 - марта камаяди.

***Узатиш линияларида энергия исрофини n - марта камайтириш учун кучланиш \sqrt{n} марта ошириш керак.

***Ток кучининг таъсир этувчи (эффeктив) қиймати $I_{ef} = \frac{I_m}{\sqrt{2}}$

***Кучланишнинг таъсир этувчи (эффeктив) қиймати $U_{ef} = \frac{U_m}{\sqrt{2}}$

***Э.Ю.К. нинг таъсир этувчи қиймати (эффeктив) $\xi_{ef} = \frac{\xi_m}{\sqrt{2}}$

Ўзгарувчан токнинг бажарган иши $A = I_{ef}^2 Rt = \frac{1}{2} I_m^2 Rt$

Актив қаршиликдан ажралиб чиққан иссиқлик миқдори $Q = I_{ef}^2 Rt = \frac{1}{2} I_m^2 Rt$

Ўзгарувчан ток қуввати. $P = \frac{I_m U_m}{2} \cos \varphi$ ёки $P = I_{ef} U_{ef} \cos \varphi$

бу ерда $\cos \varphi$ - қувват қoэффиценти дейилади ва **фазаметр** ёрдамида ўлчанади.

***Амперметр ва вольтметрда ток кучи ва кучланишни таъсир этувчи қийматини ўлчаймиз.

Ўзгарувчан ток занжири

Сўнувчи тебраниш контурида актив қаршилик бўлади ва актив қаршилик электр энергиясини иссиқлик энергиясига айлантиради.

Агар занжирда R , C ва L кетма – кет уланган

1. Ўзгарувчан ток учун Ом қонуни $I = \frac{U}{Z}$

Контурнинг умумий кучланиши $U = \sqrt{U_R^2 + (U_L - U_C)^2}$

Контурнинг умумий қаршилиги $Z = \sqrt{R^2 + (X_L - X_C)^2}$


Ток кучи ва кучланиш орасидаги фазалар фарқи $\text{tg} \varphi = \frac{X_L - X_C}{R}$ ёки $\cos \varphi = \frac{R}{Z}$

$X_L = X_C$ - бўлганда резонанс ходисаси кузатилади $Z = R$ булади. Резонанс булганда ток кучи ва кучланиши орасидаги фазалар фарқи нолга тенг булади.


Агар занжирда R , C ва L параллел уланган булса

Контурнинг умумий ток кучи $I = \sqrt{I_R^2 + (I_L - I_C)^2}$

Контурнинг умумий қаршилиги $\frac{1}{Z} = \sqrt{\frac{1}{R^2} + \left(\frac{1}{X_L} - \frac{1}{X_C} \right)^2}$



2. Ўзгарувчан тўқ занжирида фақат конденсатор.




Демак: занжирда фақат конденсатор булса ток кучи тебранишлари конденсатордаги кучланиш тебранишларидан $\frac{\pi}{2}$ кадар олдинда бўлади. ***

Сифим қаршилиқ $X_C = \frac{1}{\omega C}$ $I_m = \frac{U_m}{X_C}$

3. Ўзгарувчан ток занжирида индуктивлик

*** Ток кучи $I = I_m \cos \omega t$ *** Кучланиш $U = U_m \cos \omega t$ бу ерда $I_m = \frac{U_m}{\omega L}$




Демак: занжирда фақат галтак булса кучланиш тебранишлари ток кучининг тебранишларидан $\frac{\pi}{2}$ кадар орқада бўлади

*** Индуктив қаршилиқ $X_L = \omega L$ $I_m = \frac{U_m}{X_L}$

*** конденсатор ва индуктив галтак энергия истемол қилмайди.

4. Ўзгарувчан ток занжирида актив қаршилиқ



*** Кучланиш $U = U_m \sin \omega t$ *** Ток кучи $I = I_m \sin \omega t$ бу ерда $I_m = \frac{U_m}{R}$

демак: фақат актив қаршилиқ уланганда ток кучи ва кучланиши орасидаги фазалар фарқи нолга тенг булади

*** Энергия исрофини камайтириш учун кучланишни ошириш керак.

МЕХАНИК ТЎЛҚИНЛАР


Тўлқин - фазода тарқалувчи тебранишлардир.

Мухит зарраларининг тебраниш йўналиши тўлқиннинг тарқалиш йўналишига перпендикуляр бўлган тўлқинлар **Кўндаланг тўлқинлар** дейилади.

***Кўндаланг тўлқинлар газ ва суюқликларда тарқалмайди. У фақат **қаттиқ жисмларда** тарқалади.

Суюқликларнинг юзида ҳам кўндаланг тўлқин юзага келади, лекин унинг ичида юзага келмайди.

Мухит зарраларининг тебраниш йўналиши тўлқиннинг тарқалиш йўналиши билан бир хил бўлган тўлқинларга **Бўйлама тўлқинлар** дейилади.



Бир хил фазада тебранувчи бир – бирига энг яқин нуқталар орасидаги масофага **тўлқин узунлиги** дейилади, ёки тўлқиннинг бир давр ичида босиб ўтган масофаси **тўлқин узунлиги** дейилади.

$$\lambda = vT \quad v = \lambda \nu$$

Берилган кесмадаги тўлқин узунликлар сони $N = \frac{S}{\lambda} = \frac{S \cdot \nu}{v}$ S – кесма узунлиги

Нур – тўлқин сиртга нормал йўналишда ўтказилган чизик бўлиб тўлқин энергиясининг тарқалиш йўналишини кўрсатади.

Фазалари тенг сиртлар **тўлқин сиртлар** дейилади.

Товуш тўлқинлари. частотаси 16 Hz дан 2000 Hz гача бўлган тўлқинлардир. 16 Hz дан паст ва 20 kHz дан юкориларини инсон кулоғи эшитмайди.

***Товуш тўлқинининг тарқалиш тезлиги ташқи муҳитнинг хоссаларига боғлиқ бўлади. ҳавода 340 м/с тезлик билан тарқалади. **Товуш** вакуумда тарқалмайди

Муסיқий товуш - гармоник тебранадиган жисмдан чиқадиган товуш.

Камертон - соф мусиқий товуш ҳосил қиладиган қурилма.

Товушнинг қаттиқлиги - тебранишлар амплитудаси билан ўлчанади.

Товушнинг баландлиги - унинг частотасига боғлиқ бўлади.

Товуш тўлқинлари бир-биридан ўзларининг **тембри билан фарқ қилади.**

Товуш тембри - тарқатувчи манбанинг шаклига хос бўлган товуш оҳангидир.

Акс садо – товуш тўлқинларининг тўсиқдан қайтиш ҳодисаси.

***Агар $\lambda < d$ бўлса қайтади, агар $\lambda > d$ бўлса қайтмайди. d - буюмнинг ўлчами.

Шовқин - тайинли бирор тебраниши частотаси ва амплитудасига эга бўлмаган тўлқин.

Тўлқин энергияси -- $W = \frac{m\omega^2 A^2}{2}$ Тўлқин энергия зичлиги $\varpi = \frac{m\rho\omega^2 A^2}{2}$

Товуш тўлқининг интенсивлиги(оқим зичлиги) - юза бирлигига мос келадиган тўлқин қувватидир.

$$I = \varpi \cdot c = \frac{W}{St} = \frac{N}{S} \quad \varpi - \text{энергия зичлиги} \quad N - \text{қувват}$$

W - Тўлқин энергияси S - Тўлқин тарқалиш юзаси

Ултратовуш - частотаси 20 kHz дан катта бўлган тўлқинлар (Кўршапалаклар ва

Делфинлар ультратовуш тарқатади).

Инфратовуш – частотаси 16 Hz бўлган тўлқинлар (Филлар инфратовуш тарқат)

Тўлқин манбаидан l_1 ва l масофада ётувчи икки нуқтанинг фазалар фарқи

$$\Delta\varphi = \frac{2\pi\Delta l}{\lambda}$$



ЭЛЕКТРО МАГНИТ ТЎЛҚИНЛАР

Зарядланган зарралар **тезланувчан, секинланувчан, айнланма, гармоник ва ногармоник тебранганда** ўзидан электромагнит нурланиш чиқаради.

Электромагнит тўлқин бу электр ва магнит майдонларни фазода тарқалишидир.

Электромагнит тўлқиннинг тарқалиш йўналиши парма қоидасидан аниқланади.

Парма дастасини E дан B га қараб айлантирганимизда парманинг илгариланма ҳаракати электромагнит тўлқиннинг тарқалиш йўналишини кўрсатади.



$$E \perp B \perp v$$

$$v = c = \frac{E}{B}$$

Электромагнит тўлқин вакуумда энг катта тезлик билан тарқалади, яъни мухитдаги тарқалиш тезлигидан катта бўлади.

Электромагнит тўлқин вакуумда $c = 3 \cdot 10^8$ m/s тезлик билан тарқалади

Электромагнит тўлқиннинг мухитда тарқалиш тезлиги

$$v = \frac{c}{\sqrt{\epsilon\mu}} = \frac{c}{n} \quad \text{ёки} \quad v = \lambda\nu$$

Бу ерда $n = \sqrt{\epsilon\mu}$ - мухитнинг абсолют синдириш кўрсаткичи. ϵ - мухитнинг диэлектрик сингдирувчанлиги, μ мухитнинг магнит сингдирувчанлиги,

****Электромагнит тўлқин металлларда тарқалмайди*

Электромагнит тўлқин кўндаланг тўлқин булиб, сини шва кайтиш, дифракцияланиш, интерференцияланиш ва кутбланиш хоосаларига эга.

Электромагнит тўлқиннинг таркиби: **тўлқин узунлиги камайиш тартибида**

1. радиотўлқин. 2. инфрақизил тўлқин. 3. кўзга кўринувчи нурлар.
4. ультробинофа нурлар. 5. Рентген нурлари 6. гамма нурлар

Радиосигналлар ёрдамида объектгача бўлган масофа $S = \frac{c \cdot t}{2}$ yoki $S = \frac{c \cdot t}{2N}$

N - импульслар сони. t – импульслар орасидаги вақт

Зарядланган зарра тезланиш билан ҳаракатланганда унинг атропоида **магнит майдон ва уюрмавий электр майдон пайдо** бўлади.

Электромагнит тўлқиннинг тарқалиш йўналиши ўнг парма қоидасидан топилади.

Парманинг дастаси E дан B га қараб қисқа йўналишда бурилса парма учининг йўналиши тўлқиннинг тарқалиш йўналишини кўрсатади

Радиоузаткичда– **модуляция**, Радиоприёмникда(кабул килгичда)- **детекторлаш**


ОПТИКА

Нуктавий ёруғлик манба - ёруғлик манбаи ўлчамлари шу манба таъсири баҳоланадиган масофаларидан анча бўлган манбадир

Ёруғлик тўлқинининг мухитда тарқалиш тезлиги

$$v = \frac{c}{\sqrt{\epsilon\mu}} = \frac{c}{n}$$

Ёруғлик нури - ёруғлик энергиясининг йўналишини кўрсатувчи чизик тушинилади. Бир жинсли мухитда ёруғлик тўғри чизик бўйлаб, ўзгарувчан мухитда синиқ чизиклар бўйлаб, синдириш курсаткичи нуктадан нуктага узгарувчи мухитда эса эгри чизик бўйлаб тарқалади.



Ясси кўзгуда тасвир ҳосил бўлиши. Ясси кўзгуда буюмнинг маъхум тўғри узига тенг тасвир ҳосил бўлади. Буюм кўзгудан қандай масофада бўлса тасвир ҳам ҳудди шундай масофада ҳосил бўлади. Одам кузгуга v тезлик билан яқинлашса, тасвири унинг узига $2v$ тезлик билан яқинлашади. Буюмнинг тасвир кўзғалмас бўлиши учун буюмнинг тезлиги кўзгунинг тезлигидан 2 марта катта бўлиш керак. Кесишган кўзгулардаги буюмнинг тасвирлари сонини

топиш формуласи
$$N = \frac{360^\circ}{\varphi(n-1)} n$$
 - кузгулар сони.


Ясси кузгуни φ бурчакка бурсак, кайтган нур бурчаги 2φ га узгаради.

Ёруғликнинг кайтиш қонун. Тушувчи нур, кайтувчи нур ва тушиш нуктасига ўтказилган перпендикуляр бир текисликда ётади. Кайтиш бурчаги тушиш бурчагига тенг.

Ёруғликнинг синиш қонуни - тушган нур, синган нур ва тушиш нуктасига ўтказилган перпендикуляр бир текисликда ётади.

$$\frac{\sin \alpha}{\sin \beta} = \frac{n_2}{n_1} = n_{2,1}$$



Тушиш бурчаги синусини синиш бурчаги синусига нисбати икки мухит учун узгармас катталиқдир. Мухитнинг синдириш курсаткичи туши шва синиш бурчагига боғлиқ эмас.



$$\frac{\sin \alpha}{\sin \beta} = \frac{v_1}{v_2} = \frac{\lambda_1}{\lambda_2} = \frac{n_2}{n_1} = n_{2,1}$$



***Агар кайтган ва синган нурлар узаро тик булса $tg \alpha = n$ α - тушиш бурчаги

Тула катиш конуни $\sin \alpha_0 = \frac{1}{n}$. Тула кайтиш нур синдириш курсаткичи ката булган мухит синдириш курсаткичи кичик булган мухитга утган содир булади. **узаро кесишган кузгулардан ёругликни кайтиши**




ЛИНЗА—иккита сферик сирт билан чегараланган шаффоф жисм.

Линзалар 2 хил бўлади: а) йиғувчи - қавариқ линза б) сочувчи -ботиқ линза
 1).Сферик сиртларнинг марказлари орқали ўтувчи тўғри чизик линзанинг бош оптик ўқи дейилади. 2) Линзанинг бош оптик ўқиға параллел тушаётган нуриар дастаси йиғувчи линзадан ўтгандан кейин бирлашадиган нуқта **фокус нуқта** дейилади. Линзадан фокус нуқтагача бўлган масофа **фокус масофа** дейилади. Сочувчи линзада сочилган нурларнинг давомлари кесишган нуқта фокус нуқтаси дейилади. 3). Бош оптик ўққа перпендикуляр ва бош фокус орқали ўтган текислик **факал текислик** дейилади. 4) Линзанинг оптик маркази орқали ўтадиган нуриар синмайди.



Тасвир хакикий, тункарилган, катталашган



Тасвир мавхум, тугри, кичиклашган

Йиғувчи линзада буюмнинг тасвири:

$d < F$ ---- тасвир мавхум, тугри, катталашган.

$d = F$ ---- тасвир хосил булмайди.

$F < d < 2F$ - тасвир хакикий, тескари, катталашган.

$d = 2F$ -- тасвир хакикий, тескари, узига тенг.

$d > 2F$ -- тасвир хакикий, тескари, кичиклашган

Сочувчи линзада буюм каерда турса хам тасвир **мавхум, тугри. кичиклашган**

Йиғувчи линза учун $\frac{1}{F} = \frac{1}{d} \pm \frac{1}{f}$

Сочувчи линза учун $-\frac{1}{F} = \frac{1}{d} - \frac{1}{f}$

d - буюмдан линзагача бўлган масофа, f - тасвирдан линзагача бўлган масофа.

Линзанинг чизикли катталаштириш $k = \frac{f}{d} = \frac{H}{h}$ H - тасвир, h - буюм баландлиги

Линзанинг оптик кучи $D = \pm \frac{1}{F}$ yoki $D = \frac{1}{d} \pm \frac{1}{f}$ бирлиги $[D]$ – dioptriya

Линзанинг умумий формуласи $D = (n-1) \frac{2}{R}$ R – линзанинг эгрилик радиуси

Линза фокус масофаси $F = \frac{R}{2(n_L - 1)}$ yoki $F = \frac{R}{2 \left(\frac{n_L}{n_m} - 1 \right)}$

n_L – linza materialining n_m – muhitning sin dirish ko'rsatkichi

сочувчи линзани йиғувчи линзага айлантириши учун (хақиқий тасвир олиш у-н), линзани синдириши корсаткичи линзаникидан катта бўлган мухитга тушиҳи керак.

Лупа - фокус масофаси кичик бўлган йиғувчи линзадир. Лупада мавҳум тугри катталашга тасвир ҳосил булади.

Лупанинг катталаштирилиши. $k = \frac{d_0}{F}$ $d_0 = 25 \text{ sm}$

Лупанинг куринама катталаштирилиши. $k = \frac{d_0}{F} + 1$ $d_0 = 25 \text{ sm}$


Проекцион аппаратнинг катталаштирилиши. $k = \frac{L}{F} - 1$ L – masofa

Микроскопда катталашаган тугри, мавҳум тасвир ҳосил булади.


Кўзда тасвир тўр пардада ҳосил бўлиб, тасвир - ҳақиқий, аммо тўнкарилган бўлади.

Яқиндан кўрарлик. Яқиндан кўрадиган кўзларда тасвир тўр парданинг олдида ҳосил бўлади. Шунинг учун бундай кузларга **сочувчи линзали кўзойнак** (минус-очки) тавсия қилинади.

Узоқдан кўрарлик. Узоқдан кўрадиган кузларда тасвир тўр парданинг орқасида ҳосил бўлади. Шунинг учун бундай кузларга **йиғувчи линзали кўзойнак** (пилус + очки) тавсия қилинади.



яқиндан кураарлик



узоқдан кураарлик

Кўзойнакнинг оптик кучи $D = \frac{1}{d_0} - \frac{1}{d}$

$d_0 = 25 \text{ sm}$ - энг яхши кўриш масофаси, d - нуқсонли кўзнинг яхши кўриш масофаси.

ЁРУГЛИК ДИСПЕРЦИЯСИ

Дисперсия - мухитнинг синдириш кўрсаткичининг йўруғлик рангига (тулкин узунлиги ёки частотасига) боғликлигидир.

Спектрдаги ранглар кетма-кетлиги. 1. Қизил. 2. Зарғалдоқ (тўқ сариқ)
3. Сариқ. 4. Яшил. 5. Ҳаво ранг. 6. Кўк. 7. Бинафша

Кизил нур **энг кам огади**, бинафша **энг куп огади**. Кизил нурнинг тулкин узунлиги **энг катта частотаси энг кичик**, бинафша нурнинг тулкин узунлиги **энг кичик частотаси энг катта**. Кизил нурнинг тезлиги **энг катта**, бинафша нурнинг тезлиги **энг кичик**. Кизил нурнинг импульси **энг кичик**, бинафша нурнинг импульси **энг катта**. Кизил нур учун линзанинг **фокус масофаси энг катта**, бинафша нур учун **энг кичик**.

Монохроматик нур бир мухитдан иккинчи мухитга утганда **частотаси ва ранги узгармайди**, тезлиги ва тўлқин узунлиги. Ҳар бир ранг ўзидан бошқа рангли нурни ютади, ўз рангидаги нурни қайтаради. Нур қайтмайдиган жой қора бўлиб кўринади. Осмонда камаликнинг содир булиши дисперция ходисасидир.

ЁРУГЛИК ИНТЕРФЕРЕНЦИЯСИ

Частоталари бир хил ва фазалар фарқи узгармас булган тулқинлар **когерент** тулқинлар дейилади.

Ёруғлик интерференцияси деб, фазода икки ёки бир неча тўлқинларни кушилиши натижасида фазонинг баъзи жойларида сусайиш ва кучайишига айтилади. Фақат когерент тўлқинларгина интерференцияланади.

Мах шарти. Тўлқинларнинг йўллар фарқи ярим тўлқин узунлигининг жуфт сонига ёки бир хил фазада учрашса максимум шарти кузатилади.

$$\Delta \ell = (2k + 1) \frac{\lambda}{2} = k\lambda \quad A_{um} = A_1 + A_2 \quad A_{um} = 2A$$

Мин шарти. Тўлқинларнинг йўллар фарқи ярим тўлқин узунлигининг ток сонига ёки карама - карши фазада учрашса минимум шарти кузатилади.

$$\Delta \ell = (2k + 1) \frac{\lambda}{2} \quad A_{um} = A_1 - A_2 \quad A_{um} = 0$$

Ньютон халкалари. R – линза радиуси, k - халка тартиби, n - мухитнинг синдириш кўрсаткичи, r - халка радиуси

Ёруғ халка радиуси $r = \sqrt{kR \frac{\lambda}{2n}}$ коронгу халка радиуси $r = \sqrt{(2k + 1)R \frac{\lambda}{2n}}$

Совун пардасида, ёг пардасида рангларнинг жиловланиши, ньютон халкалари ёруғликнинг интерференция ходисасидир.

ЁРУГЛИК ДИФРАКЦИЯСИ


Ёруғликнинг геометрик соя томонга огиши **ёруғлик дифракцияси** дейилади. Дифракция ходисасига асосланган асбобга дифракцион панжара дейилади.

Дифракцион панжаранинг даври. $d = \frac{\ell}{N}$, $d = a + b$

a - тирқишни, b - тусикни кенглиги. ℓ - панжаранинг узунлиги, N – шитрхлар сони.

Мах. шарти: $d \sin \varphi = k\lambda$ k - спектр тартиби.

Спектр максимуми $k = \left[\frac{d}{\lambda} \right]$, Махимумлар сони $N = 2 \left[\frac{d}{\lambda} \right] + 1$



$$\frac{dx}{L} = k\lambda,$$

L – diffraktsion panjaradan ekrangacha bo'lgan masofa
 x - 0 chi maksimumdan k - chi maksimum gacha bo'lgan masofa

Ekran

***Дифракцион панжарада кизил нурлар энг катта бурчакка бинафша нурлар энг кичик бурчакка огади.

ЁРУГЛИКНИНГ КУТБЛАНИШИ

Ёруглик нури турмалин кристаллидан утганда кутбланади. Кутбланган ёруглик интенсивлиги **икки марта камаяди**, $I = \frac{I_0}{2}$. Малюс конуни $I = I_0 \cos^2 \varphi$

Кутбланиш ходисаси ёругликнинг кундаланг тулкин эканлигини исботлайди.

Ёруглик босими. $P = \frac{I}{c}(1 + \rho) = \frac{W}{cSt}(1 + \rho)$ W – ёруглик энергияси

ρ – сиртнинг кайтариш коэфф-ти, ялтирок сирт у-н $\rho = 1$, кора сирт у-н $\rho = 0$

100 % кайтарувчи сирт учун --- $P = \frac{2I}{c} = \frac{2W}{cSt}$

100 % ютувчи сирт учун --- $P = \frac{I}{c} = \frac{W}{cSt}$

Ёруглик куввати. $N = \frac{W}{t} = \frac{nhc}{\lambda t}$ n – fotonlar soni

НУРЛАНИШ ТУРЛАРИ.

1. **Иссиқликдан нурланиш** - куёш, чўланма лампаланинг нурланишидир.
2. **Электролюминесценсия** - газ заряди вақтида ёруглик чиқиш ходисасидир.
3. **Катодолюминесценсия** - қаттиқ жисмларни электронлар билан бомбардимон қилинганда ёругланишидир. (телевизорда электрон нур трубка)
4. **Хемилюминесценсия** - химиявий реакция вақтида ёруглик чиқишидир.
5. **Фотолюминесценсия** - жисм нурлантирилганда ундан ёруглик ажралиб чиқишига айтилади.

Температураси атроф мухит температурасидан катта бўлган ҳар қандай жисм инфрақизил нур чиқаради

Балометр - иссиқлик нурланиш кувватини улчайди

Рентген нурлари. Рентген нурлари кристалл панжараларида дифракцияланади. Катта тезликда анодда электронни тўсатдан тормозланишидан ҳосил булган нур **Рентген нурлари** дейилади.

$$E_k = eU$$

$$\vartheta = \sqrt{\frac{2eU}{m}}$$

$$\lambda = \frac{hc}{eU}$$

$$\nu = \frac{eU}{h}$$

СПЕКТЛАРНИНГ ТУРЛАРИ.

1. **Узлуқсиз (Туташ)** - Қаттиқ ва суюқ ҳолатда бўлган жисмлар туташ спектлардир. Узлуқсиз спектиар ҳосил бўлиши учун жисм юқори температурада бўлиши керак.
2. **Чизиқ-чизиқ спектр** - атомар ҳолатдаги барча газсимон моддалар ҳосил

қилади. Бу спекторлар бир-бири билан рангги ва чизиклар сони билан фарк қилади.

3.Йўл- йўл спектрлар - молекуляр ҳолатдаги газлар ҳосил қилади.

Юритилиш спектрлари - юқори даражада қизиган ҳолатда модда қандай тўлқин узунликдаги нур чиқарса, совуганда худди шундай тўлқин узунликдаги ёруғликни ютади.

ФОТОЭФФЕКТ

Интерференция, дифракция, кутбланиш, дисперсия – ёрқгликни **Тулкин назарияси** асосида тушунтирилади.

Фотоэффект – ёруғликни **квант назарияси** асосида тушунтирилади. **Фотон** бу ёруғлик заррачасидир.

Фотон энергияси $E = h\nu$, $E = \frac{hc}{\lambda}$, $E = mc^2$, $E = Pc$, $E = nh\nu$ n - фотонлар сони

Фотон массаси $m = \frac{E}{c^2}$, $m = \frac{P}{c}$, $m = \frac{nh\nu}{c^2}$, $m = \frac{h}{\lambda c}$, фотон тинчликда массаси $m = 0$

Фотон импульси $P = mc$, $P = \frac{E}{c}$, $P = \frac{h\nu}{c}$, $P = \frac{h}{\lambda}$

Фотоеффект - моддадан ёруғлик таъсирида моддадан электронларни ажралиб чиқиш ходисасига айтилади.

Фотоэффект 2 хил бўлади: 1) Ташқи фотоеффект 2) Ички фотоеффект

Ташқи фотоеффектда электронлар моддани тарк этади. Ички фотоеффектда электронлар ташқарига чиқмайди, мода ичида қолади.

Фотоэффект учун столетов қонунлари.

1-қонун. Ёруғлик таъсирида моддадан ажралиб чиқаётган электронлар сони ёруғлик интенсивлигига боғлиқ бўлиб, частотасига боғлиқ эмас.

2- қонун. Фотоэлектронларнинг максимал тезлиги (энергияси) ёруғлик интенсивлигига боғлиқ бўлмасдан, фақат ёруғлик частотасига боғлиқ бўлади.

3-қонун. Қизил чегараси катод материялига боғлиқ бўлиб, ёруғлик интенсивлигига боғлиқ эмас.

Фотоэффект учун Ейнштейн тформуласи

$$E = A + E_k \quad h\nu = h\nu_q + E_k \quad \frac{hc}{\lambda} = \frac{hc}{\lambda_q} + E_k, \quad E = A + eU$$

A - чиқиш иши, U - электронларни тухтатувчи кучланиш.

Фотоеффект юз бериши учун $h\nu \geq A$ бўлиши керак.

Фотоеффект қизил чегараси $\nu_q = \frac{A}{h}$, $\lambda_q = \frac{hc}{A}$

АТОМ ФИЗИКАСИ

Табиатда атом нейтрал ҳолатда булади, чунки, атомда протонлар сони билан электронлар сони тенг булади. Атом марказда жойлашган мусбат **ядро** ва ядро атрофида орбита буйлаб айланувчи **электронлардан** иборат.

Атом чизикли улчами(диаметри) - $10^{-10} m = 10^{-8} sm = 1 \text{ \AA}$ $1 \text{ \AA} = 10^{-10} m$ – ангенстрем
Атом ядродан 10000 марта катта

Атом тузилишини **Резерфорд** тажрибада аниқлаган. Тажрибага асосан альфа зарралар билан бомбардимон қилинади. Альфа зарралар ядронинг электростатик майдонида сочилади.


Бор постулатлари:

1- постулата: атомда стационар орбиталар мавжуд. Бу орбиталарда электрон айланма ҳаракат қилса ҳам узидан нурланиш чиқармайди.


2-постулата: Атомда электрон бир стационар ҳолатидан 2 - стационар ҳолатига ўтганда электромагнит нурланиш чиқарилади ёки ютилади. Яъни электрон юкори энергетик сатҳдан куйи энергетик сатҳга утганда фотон нурлайди, аксинча булса, фотон ютади.

Фотон энергияси 2 стацianaр ҳолатлардаги энергиялар фарқига тенг. $E_k > E_n$ бўлса фотон нурланади, $E_k < E_n$ бўлса фотон ютади.

$$\nu = \frac{E_2 - E_1}{h}$$



- 1 – энг катта энергияли ва частотали (энг кичик тулқин узунликли) фотон ютади
 2 – энг кичик энергияли ва частотали (энг катта тулқин узунликли) фотон ютади
 3 – энг катта энергияли ва частотали (энг кичиктулқин узунликли) фотон нурлайди
 4 – энг кичик энергияли ва частотали (энг катта тулқин узунликли) фотон нурлайди



- 1- нуктанинг тезилиги ва кинетик энергияси энг катта, потенциал энергияси энг кичик
 3 - нуктанинг тезилиги ва кинетик энергияси энг кичик, потенциал энергияси энг катта

атомда электрон тезилиги $v = \frac{e^2}{2h\epsilon_0 n}$ кинетик энергияси $E_k = \frac{me^4}{8h^2\epsilon_0^2 n^2}$

Атомда электронни n – чи орбитадаги энергияси

$$E = \frac{E_0}{n^2}, \quad n - \text{orbita tartibi}, \quad E_0 = -13,6 \text{ eV}$$

Гейгер санагичи - электрон ва гамма квантларини қайд қилиш учун ишлатилади. Счётчигнинг ишлаши атомларнинг зарб таъсирида ионлашишига асосланган ва киска муддатли электр токи пайдо булади.

Вилсон ва Пуфакли камераси - ионларга ўта тўйинган буғнинг сув томчилари ҳосил қилиб конденсациялашга асосолашган.

Алфа нурлари - Гелий ядролари оқимидан иборат.

Алфа заррачанинг массаси $m = 4m.a.b.$ заряди эса $q = 2e$

1 м.а.б = $1,66 \cdot 10^{-27} \text{ kg}$ масса. атом. бирлиги.

Бетта нурлари - катта тезликли электтронлар оқимидан иборат


бетта заррачанинг массаси $m = 9,1 \cdot 10^{-31} \text{ kg}$ заряди эса $q = -1,6 \cdot 10^{-19} \text{ C}$

Гамма нурлари - электромагнит тўлқиндир. Гамма нурлари ядродаги нуклонлар кузгатилган ҳолатдан асосий ҳолатга утганда нураланади.


Гамма нурнинг кирувчанлиги энг катта алфа нурлар кирувчанлиги энг кичик. гамма нур магнит ва электр майдонда огмайди.

Силжиш қонунлари


Альфа емирилишда элементнинг атом массаси $4m.a.b.$ га заяди эса $2e$ га камаяди, даврий системанинг бошига қараб икки катак силжийди.



Бетта емирилишда элементнинг массаси деярли узгармайди заряди e га ортади, даврий системанинг охирига қараб бита катакка силжийди.



Гамма емирилишда элементнинг массаси фотон массаси каби камаяди ва атом уйғонган ҳолатга ўтади.



${}^1_1 H$ – proton, ${}^4_2 He$ – Geliy (alfa zarracha), ${}^0_{-1} e$ – elektron, ${}^1_0 n$ – neytron, ${}^0_{+1} e$ – pozitron
 ${}^2_1 H$ – deytрон, ${}^3_1 H$ – Tritiy, ${}^0_0 \gamma$ – foton (elektromagnit tolqin), ${}^0_0 \nu$ – neytrino

алфа емирилишлар сони $n_\alpha = \frac{A_1 - A_2}{4}$

бетта емирилишлар сони $n_\beta = Z_2 - (Z_1 - 2 \cdot n_\alpha)$

5.Радиактив емирилиш қонуни. емирилмай қолган атомлар сони $N = N_0 2^{-\frac{t}{T}}$

N – емирилмай қолган атомлар сони N_0 – емирилмасдан олдинги атомлар сони

t – емириш вақти, T – емириш даври

Емирилган атомлар сони $\Delta N = N_0 \left(1 - 2^{-\frac{t}{T}}\right)$ $\Delta N = \frac{0,693 N_0 t}{T}$ $t \ll T$

Атом ядросининг тузилиши

Атом ядроси - протон ва нейтронлардан ташкил топган бўлиб уларга **нуклонлар** дейилади. Протон ва нейтронлар сонининг йиғиндисига **масса сони** дейилади.

Z – Протонлар сони, тартиб рақами билидиради. A – масса сони (нуклонлар сони),

$N = A - Z$ – Нейтронлар сони, $q = Ze$ – ядро заряди

Ядро кучлари - Протон ва Нейтрон ўртасидаги тортишиш кучлари.

Изотоплар деб, - протонлар сони бир ҳил нейтронлар сони ҳар ҳил бўлган ядроларга айтилади. ${}^1_1 H$, ${}^2_1 H$, ${}^3_1 H$ – водород изотоплари

Изотонлар деб, - протонлар сони ҳар ҳил нейтронлар сони бир ҳил бўлган ядроларга айтилади.

Изобарлар деб, - протонлар сони ҳар ҳил масса сони бир ҳил бўлган ядроларга айтилади.

Атом ядроларининг боғланиш энергияси - ядрони алоҳида нуклонларга батамом парчалаб юбориши учун зарур бўлган энергиядир.

$$E_{bog} = [Zm_p + (A - Z)m_n - M_{ya}]c^2$$

Солиштирма боғланиш энергияси. $E_{sol} = \frac{E_{bog}}{A}$

масса дефекти $\Delta m = Zm_p + (A - Z)m_n - M_{ya}$

протон ва нейтронлар ядро ҳосил қилинса ядро массаси камаяди

$$Zm_p + Nm_n > M_{ya} \quad E_p + E_n > E_{ya}$$

Ядро реакцияларида энергия ажралиши ёки ютилиши

реакцияга қришмасдан олдинги зарралар массалари йиғиндисиди - m_1

реакциясидан кейинги ҳосил бўлган зарралар массалари йиғиндисиди - m_2

$m_1 - m_2 > 0$, ($Q > 0$) бўлса энергия ажралади, экзотермик реакция дейилади.

$m_1 - m_2 < 0$, ($Q < 0$) бўлса энергия ютилади, эндотермик реакция дейилади.

Реакцияда ажралиб чиққан иссиқлик микдори $Q = 931 \frac{MeV}{m.a.b.} (m_1 - m_2)$

Ядро реактори – ядроларнинг бўлиниши бошқариладиган

реакция амалга ошириладиган курилмадир.

Ядро ёқилғиси – Уран ва плутоний

Нейтронларни секинлаштиргич – оғир ёки оддий сув ва графит

Ажралган иссиқликни олиб кетувчи(энергия ташувчи) – сув ва суюқ натрий

Нейтронларни ютувчи модда - Бор ёки кадмий.

нейтронларни купаиш коэффициентини k :

Агар $k = 1$ булса реактор тургун режимда ишлайди.

Агар $k < 1$ булса реакция тухтаб қолади.

Агар $k > 1$ булса реакторда портлаш хавфи кузатилади.

Лептонлар - (Электрон ва позитрон), **Мезонлар** - Протон ва нейтрон, баронлар

НИСБИЙЛИК НАЗАРИЯСИ

Эйнштейннинг нисбийлик пастулотлари

1-пастулога. Табиатдаги барча жараёнлар хар қандай инерциал санок ситемасида бир ҳилда юз беради.

2-пастулога. Ёруғликнинг вакумдаги тезлиги барча инерциал санок системалари учун бир ҳил. У ёруғликни тарқатувчи ва қабул қилувчининг тезилигига боглик эмас.

Узунликнинг нисбийлиги. $l = l_0 \sqrt{1 - \frac{v^2}{c^2}}$ l_0 - тинчликдаги узунлик ,

Ёруглик тезликлигига якин тезликларда стерженнинг узунлиги ва хажми камаяди.

Вақт ораликларининг нисбийлиги. $t = \frac{t_0}{\sqrt{1 - \frac{v^2}{c^2}}}$ t – Ерда утган вақт

Ёруглик тезликлигига якин тезликларда воқеанинг содир булиш вақти секинлашади.

Масса нисбийлиги. $m = \frac{m_0}{\sqrt{1 - \frac{v^2}{c^2}}}$ m_0 – тинчликдаги масса

Ёруглик тезликлигига якин тезликларда жисм массаси ортади.

Зичлик нисбийлиги. $\rho = \frac{\rho_0}{1 - \frac{v^2}{c^2}}$ ρ_0 – тинчликдаги зичлик

Ёруглик тезликлигига якин тезликларда модда зичлиги ортади.

Тезликларни қўшишнинг релятивистик қонуни.

Заррчалар бир томонга харакатланса $v_n = \frac{v_1 - v_2}{1 - \frac{v_1 \cdot v_2}{c^2}}$

Қарама – қарши харакатланса $v_n = \frac{v_1 + v_2}{1 + \frac{v_1 \cdot v_2}{c^2}}$

Релятивистик импульс $P = \frac{m_0 v}{\sqrt{1 - \frac{v^2}{c^2}}}$ Кинетик энергияси $E_k = m_0 c^2 \left(\frac{1}{\sqrt{1 - \frac{v^2}{c^2}}} - 1 \right)$

Тинчликдаги энергия $E_0 = m_0 c^2$

Заррачанинг тула энергияси $E_t = E_0 + E_k$ $mc^2 = m_0 c^2 + E_k$

Энергияга эга булган жисмнинг массаси Δm га ортади $\Delta m = \frac{E}{c^2}$

***чүзилган пружинанинг массаси ортади $\Delta m = \frac{kx^2}{2c^2}$

***киздирилган жисм массаси ортади $\Delta m = \frac{c^1 m \Delta t}{c^2}$ c^1 – солиштирма иссиклик сизим

***баладликка кутарилган жисм массаси ортади $\Delta m = \frac{mgh}{c^2}$

Аннигиляция деб, модда билан анти модда тукнашганда моддалар ёруглик энергиясига айланишига айтилади.

***аннигиляцияда ажралган энергия $E = 2m_0 c^2$

электрон ва позитроннинг аннигиляцияси $e + \bar{e} = 2\gamma$

XORAZM

THE END

XORAZM